



# 2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (249) 2017-YIL 11-yanvar

ISSN-2010-9393

1993-YIL, 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

## Янги ийлаингиз кутяч бўлсин, азиз юрtdошлар!



Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

### Буюк ижодкорга эҳтиром

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 декабрдаги ПҚ-2668 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида 20 декабрь куни институтимиз маданият саройида атоқли шоир ва адиб, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадий тадбир ташкил этилди. Анжумани маънавий-маърифий ишлар проректори Ф. Аҳмедов очди. Республика ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Меҳрибон Абдурахмонова шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. Шунингдек, ўзбек адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси доценти У. Қосимов "Эркин Воҳидов лирикасининг бадий хусусиятлари", ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси, Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси Шодиёна Абдугапарова "Эркин Воҳидов ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни" мавзуларида маъруза қилдилар.

Нотиклар Эркин Воҳидовнинг шарқ мумтоз адабиёти аъёнalarидан бориб, замондошлари маънавий дунёсини очиб берувчи ғазаллари, юксак инсонийлик руҳи билан йўғрилган шеърлари, уруш фожеалари ҳақида баҳс этувчи "Нидо", "Ҳаёт жумбоқлари", "Рухлар исёни", "Истанбул фожеаси" асарлари, томошабинларни хушнуд этган "Олтин девор" комедияси адабиётимиз ҳамда маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини таъкидладилар.

Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда муסיқий таълим йўналиши талабалари, 1-сонли болалар муסיқа ва санъат мактаби ва халқ академик ва бадий жамоалар дерекцияси ҳамкорлигида тайёрланган бадий қисм тадбирга ўзгача руҳ ва кўтаринки кайфият бахш этди.

Бегзод Мирзаев,  
«Зиё чашмаси» муҳбири.



Абдулла Қодирий номидаги

Жиззах Давлат педагогика институти



ректорати, касаба уюшмаси ва хотин қизлар кўмиталари,

«Камолот» ЁИХ институтимиз профессор-ўқитувчилари ва

талаба-ёшларини, барча ишчи-хизматчиларни

янги - 2017 йил билан муборақбод этади.

Сизга бахт-саодат, оила аъзоларингизга

сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Диллингиздаги эзгу истақлар

хамроҳингиз бўлсин!

# КЕЛАЖАК БИЗНИКИ, МАРРАЛАР БИЗНИКИ!

## Янги марралар сари



Бугун юртимизда ёшларга берилётган эътибор ва эъозни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Бу гамхўрлик ва хайрихоҳликка нисбатан эса ҳар бир ёш қалбида изланиш ва интилиш иштиёқи жўш урмоқда. Илм, фан, маданият ва спорт соҳасида қўлга киритилётган юксак натижалар фикрларимнинг яққол тасдиғидир.

Мана шундай иқтидорли ва фаол ёшларнинг сафида мен ҳам борлигимдан чексиз фахр ҳиссини туяман. Устозларимдан билганларим ва ўрганганларим менга 2016 йил давомида жуда ҳам қўл келди. Мусиқий таълим йўналишида таҳсил олиш билан бирга олийгоҳда ўтказилётган тадбирларда фаол иштирок этиб келяпман.

Интилиш ҳамиша ўз самарасини берар экан. Бугунги кунда Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг ходими сифатида жамоадошларим билан ҳам жуда иноқман.

Фаолиятим мобайнида радиода "Сайқал", "Қадрият", "Жиззах оқшомлари", "Сиз ва биз" каби эшиттиришларга, телеведениеда эса "Беш санам" ток-шоусига муаллифлик қилмоқдаман. Ҳар бир жараён мобайнида малакали устозлар менга кўмақдош бўлишди ва ишонч билдиришди. Мен яқиндагина «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" Республика кўрик танловида иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритдим. Ҳаяжонли дақиқаларда устозларим ишончини оқлаганимдан кўзларимда ёш қалқиди. Бу мукофот мени янада олға интилишга, бундан-да юксак марраларни забт этишга ундайди. Сабаби, мен учун бу жуда ҳам катта эътирофдир.

Келгуси йилда ҳам мана шундай интилиш билан институтни тугаллаб, магистратурада ўқишимни давом эттириш ниятим бор. Ва албатта, ижодий фаолиятим борасида ҳам катта-катта ютуқлардан умидворман.

Барча устозларимизни, тенгдошларимни, "Зиё чашмаси" газетасининг қадрли муштарийларини Янги — 2017 йил билан чин дилдан табриклайман. Янги йил ҳаётимизга ва хонадонларимизга кутлуғ пойқадам билан кириб келсин.

Нафосат ТУРСУНБОЕВА,  
мусиқий таълим йўналиши талабаси.

## Биз ҳали довлонлар ошамиз!

Буюк шоиримиз Ғафур Ғулумнинг "Вақт" шеърида шундай мисралар бор:

**Азиз асримизнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ онидир умр дафтарин...**

Вақт! Не-не инсонларнинг орзуларига қанот берган тунча. Ҳаёт ҳақиқатининг ёрқин кўзгуси. Биз инсонларни умр сарҳисобига ундовчи ҳам вақтдир. Мана, 2016 йилга яқун ясаб, янги йилга қадам қўйдик.

Ўтган бир йиллик умрим саҳифаларини варақлар эканман, ўзимни сўроқлайман. Шу бир йилда нималарга эришдим? Бир йиллик вақтимни бой бериб қўймадиммикан?

Йилнинг бошида ўз олдимга улкан мақсадларни қўйган эдим. Уларнинг қай бирига эришдим, қай бирига улгура олмадим. Эришганларимда устозларим, дўстларимнинг улкан ҳиссалари бўлди. Улардан миннатдорман!

Йил бошида катта орзум бор эди. Узтозларимдан олган билимларимни умумлаштириб, илмий мавзум доирасида эришганларимни тенгдошларим орасида эълон қилиш, "Навий" номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлиш... Шу мақсад йўлида бир қанча мақолаларим, икки илмий рисолам дунё юзини кўрди. Такрор айтаман, бу йўлда менга маънавий мададлари билан кўмак берган устозларим ва яқинларим олдида таъзимдаман.

Узоқ кутилган кун ҳам яқинлашди... Октябрь ойининг бошлари эди. Институтимиздан ўнга яқин номзодлар кўрсатилган. Кўнглимда минг бир савол гужгон ўйнайди. Ахир бошқа номзодларнинг ҳам ҳар бири эътирофга муносиб.

Пахта даласида эдик. Ватанимиз хирмониға баҳоли кудрат ҳисса қўшиб юрибмиз. Бир вақт пахта даласи бўйлаб хушхабар тарқалди: Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан стипендиантлик мартабасига лойиқ кўрилибман. Қувончларим чексиз. Мени-ку қўятуринг, устозларим ва сабоқдош дўстларим қувончини айтмайсизми!

Камтарин меҳнатларимни юқори баҳолаб, Ватанимиз келажакка ҳисса қўшишимга, ўз соҳамнинг етук кадри бўлиб етишишимга ишонч билдирган ҳукуматимиздан миннатдорман. Бу катта маъсулият ҳамдир. Юртимнинг солиҳ фарзанди бўлиб, она Ватанимга хизмат қилиш имконига эгаллигимдан бахтиёрман! Биз ўзбек ёшлари дунёдаги ҳеч қайси давлат ёшларидан кам эмасмиз. Чунки, бизда келажак учун имкониятлар эшиги очик. Биз ҳали улкан довлонлар ошамиз!

Одилжон ШОДИЕВ,  
Навий номидаги давлат стипендияси соҳиби.



## Янги ютуқлар

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз ҳаётдан ўз ўрнини топиши учун барча имкониятлар яратилиб берилган. Ҳар ким ўзидаги мавжуд қобилиятни рўёбга чиқариб, ундан унумли фойдаланиши керак. Зеро, дунёга келишдан асл мурод ҳам ўзидан яхши ном қолдиришдир.

Кўнгил майли ижодкорни табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик, инсоният руҳиятининг сирли қирраларини маҳорат билан тасвирлашга ундайди. Истеъодли расом ўз қобилиятини ранглар жилосида гўзал ифодалаганлиги билан ўз муҳлисини мафтун этади.

Мана шундай шуқуҳли дамларда кириб келётган янги йил илжодда ҳам баракали бўлишини, қобилият ва имкониятларимиздан муносиб фойдаланиб, ўлмас асарлар билан 2017 йилни ҳам тарихга муҳрлай билишимизни тилак қилдим.

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Гулноз УМИРҚУЛОВА,  
Тасвирий санъат ва МГ  
йўналиши талабаси.

## Тадбиркор талаба

Табиий фанлар факультети талабаси Зиёда Раҳмонқулова бўш вақтларида тадбиркорлик билан ҳам шуғулланмоқда. Унинг мафтункор кашталари, безак ва расмлари томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

Суратда: Зиёданиннг ижодий ишларидан намуналар.



Капалак нусха сўзана



Каштали этик

Мирзохид ШОДМОНОВ,  
тарих факультети  
талабаси.

Ҳаёт — Оллоҳ ато этган бир мўъжиза. Бу мўъжиза фақатгина инсонгагина эмас, балки бу куррайи заминда яшовчи жамики тирик мавжудотга ином этилган тухфадир. Ҳаёт йўлларида биз инсонлар турли хил синов, имтиҳонларга дуч келамиз. Уни ким қандай қабул қилиши, инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадлари билан белгиланади. Дарҳақиқат, биз инсон сифатида яшар эканмиз, бутун умримиз давомида турли хил синовларга дуч келамиз, бунда ҳаётимизнинг бахтли онлари билан бир қаторда қийин дамларни ҳам бошимиздан ўтказамиз. Бу оғир дамлар бизнинг сабримизни, иродаимизни синовчи ва бахтли ҳаётга йўл очувчи, ҳаётнинг бир синови эканлигини ҳеч ўйлаб кўрмаймиз. Бу ҳаётда хато қилиш инсонга хос бўлгани каби, қилган хатолардан тўғри хулоса чиқара олиш ва бахтли ҳаёт барпо этиш ҳам инсонга хос эканлигини унутмаслигимиз лозим. Инсоннинг ўз ҳаёт йўли тарихи бизни ҳамиша ортимизга бир назар солишга ундайди. Фикримизча, тарихни, ўтмишни ёддан чиқаришнинг илоҳи йўқ. Тарихни сабоқлар кулфига қиёслаш мумкин. Унинг омад, омадсизлик қалитлари мавжуд. Қай бири танламоқ эса ўзимизга ҳавола. Агарда биз хатолар калитини кулфга солсак, қанчалик уринмайлик, у очилмайди. Фақат бузиш орқалигина очишимиз мумкин. Уни очганимизда ҳам бу бизга фақатгина бахтсизлик келтиради. Асл омад ва муваффа-

қият бу бизнинг ўзимизда, шун-

# Ҳаёт —

# тажриба мактаби

доққина қўлларимизда. Биз уни инсон меҳнатида, сабр-у ирода-сида кўришимиз мумкин. Ҳаёт шундай нурли чўққига ўхшайдики, унга узоқдан беихтиёр қараганимизда, у бизга етиб бўлмас қоядек, ушалмас орзудек тўйулади. Чўққи томон илк қадамни ташлаётганимизда қандайдир кўрқув ҳисси вужудга келади. Аслида инсон ўз ҳаётида нимадир қилиш учун **ИЛК ҚАДАМ**ни ташлар экан, уни юксак ишонч ила шаҳдам ташлаши керак. Зеро мана шу арзимасдек тўйилган оддий қадам кейинги юксак парвозларга замин яратади. Тўғри, бу айтишга осон, амалда бажариш жуда қийин ҳолат. Илк қадамни ташлашда дастлаб бу кўрқув туйғуси ишонч туйғусига нисбатан кучлироқ бўлади. Бу кўрқув туйғусини ўзимизга бўлган юксак ишонч билан йўқотмоғимиз зарур. Зеро, кўрқув бор экан, биз бажармоқчи бўлган, олдимизга қўйган мақсадлар сари дадил одимлаёлмаймиз. Чунки ишонч бизга омад калитини топишимизга ёрдам беради. Бусиз ҳаётимизда муваффақият қозонолмаймиз. Шундай ҳолатда юқорида биз ҳаётни қиёслаган нур-

ли чўққи саробга айлангандек тўйулади. Биз чўққи-га чиқа олмаймиз, чиқишни бошласакда уни охирига етка-



шу кўрқув чекинишимизга, энг ёмони енгиллишимизга сабаб бўлади. Инсон бу дунёга келар экан, ҳамиша эзгу ниятлар билан келажакка ишонч руҳи билан яшамоғи керак. Ҳаёт инсонга бир марта берилар экан унинг мазмунли ўтиши ҳам ўзимизга боғлиқ. Биз ҳаётда яшашда давом этар эканмиз, интилишдан бир зум ҳам тўхтамаслигимиз лозим. Ҳаётда бир ҳақиқат борки, ҳеч бир инсон чинаккам инсон сифатида туғилмайди, бал-

ки умр йўлларида, турли синовлар ичра синалиб чинаккам, комил инсон сифатида узоқ вақт шаклланади, камол топади. Оллоҳ инсонга ҳаёт бахш этади.

Тақдирни эса инсон ўзи қуради, - бу ҳаёт фаолиятига боғлиқ. Ҳаёт бир маромда давом этади, у фақатгина вақт ҳўқмига бўйсинади. Вақт эса олий ҳакам. У ҳеч кимга бўйсунмайди, у фақат бизга ўзимизни, хатоларни англашни ва энг муҳими уларни тўғри-лаш лозимлигини кўрсатиб беради.

Кимгадир ҳавас кўзи билан боқиш ва у каби юксак марраларга эришишга бўлган қизиқиш, кишида келажакка бўлган ишончни янада оширади. Мана шу ишонч инсонни ҳеч вақт тарк этмаслиги керак. Шундагина инсон ўз олдига қўйган ҳар қандай мақсадига эришади ва ўзи учун порлоқ келажак барпо қилади.

Инсон ҳаётда яшар экан, унга бериладиган омад ва муваффақият ҳеч қачон ўз-ўзидан бўлмаганлигини, унинг замирида машаққатли меҳнат, сабр-у бардош, матонатли ирода ҳамда ота-она дуоси, яқин дўстларининг кўмаги ётганлигини унутмаслиги лозим.

**Quyosh tog' oralab yuqori ko'tarildi. Osmon xuddi artilgan oynadek tip-tiniq, musaffo bo'ldi. Erta tongning orombaxsh havosidan qushlar chug'ur-chug'ur kuylardi. Nigora ko'cha tarafdagi o'rik daraxtidan to'kilgan barglarini yig'ishtirardi. U sabrsizlanar, ko'chaga, uzoq-uzoqlarga qarab qo'yardi. Nihoyat, nigohi jiddiy tortdi. Uzoqdan kimdir ko'rina boshladi. U Tog'boy edi. Tog'boy Nigorani yolg'iz uchrataman, deya erda tongdan qir oshib, Soylik qishlog'igacha yetib kelgandi. Nigora uyalibgina salom berdi. Uning nozikgina qo'llaridagi beso'naqay xaskash Tog'boyini jilmayishga majbur qildi.**

— Nigor, - deya gap boshladi. — Senga tog'dan chiroyli gullar olib keldim. Qara, chiroyliligini, xushbo'yligi musaffo havodan bo'y olgan. Tog'ning ifori, tog'ning tarovati barq urib turibdi. Sen ulardan chiroyli, yoqimlisan. Sen... mening gu-limsan.

Nigora bu gaplardan uyalib, nima qilarini bilmay qoldi. Beixtiyor oqshom yozgan xatini unga tomon uzatdi. Uy tarafiga qarab-qarab: — Endi ketishingiz kerak, — deya jim qoldi.

— Erta tog'ning kungayida kutaman, — dedi Tog'boy ketar chog'ida. — Albat-ta kelgin, quyoshni birga kutib olamiz. Yangi kunni quyosh yaratadi. Biz quyoshni uyg'otamiz. Bu yangi kun bizning kunimiz bo'ladi. Kelasan-a? Seni kutaman.

Nigora gapirolmadi. Boshi bilan tasdiq qildi.

\*\*\*

Tepalikdan butun Soylik qishlog'i ko'rindi. Qoq markazidan soy oqib o'tganligi uchun ham qishloqning nomi Soylik. Qishloq ahli juda mehnatkash, tong yorishmay uyg'onadi.

Tog'boy erda tongdan tepalikda Nigorani kutardi. U sabrsizlanar, hayajoni yuzidan bililib turardi. Tepalikda Nigora-ning sharpasi ko'rindi. U chiroyli kiyingan, sochlarini qirq kokil qilib o'rib olgandi. Tog'boy Nigora-ning jamolidan ko'z uzolmay qoldi. Unga tikilib-tikilib qaradi. Nigora bundan biroz o'ng'aysizlandi. Tog'boy soylikka qarab so'z boshladi:

— Soyni qayerdan boshlanishini bilasanmi? Anavi tog'larga qara, baland-baland tog'lar! O'sha tarafdin boshlangan. U taraflarni Turkiston tizmalari deyishadi. O'sha tog'lardagi suvlar bizgacha yetib keladi. Bizdan keyingi qishloqlarga ham oqib boradi. U bizning soyimiz. U tog'liklar soyi. Undan qo'y-qo'zilarimiz, ekinlarimiz, qishlog'imiz ahli suv ichadi. U tog'liklar otasi, tog'liklar onasi.

Nigora soyga qarab o'yga cho'mdi. Soyning hayot ulashuvchi kuchiga mehri jo'shdi. Soyning shaldiroq qo'shig'i butun qishloq bo'ylab taralardi.

— Nigor, sen bilan baxtli oila qurishni xohlayman. Inson baxtli bo'lish uchun tug'iladi. Biz shuning uchun yashayapmiz. Sen yonimdasan, men baxtliman. Seni chindan sevaman. Tog'boy Nigora-ning

qo'lidan ushladi. Nigora qizarar, uyalgani-dan yerga boqardi. Ular tepalikdan uzoq-uzoqlarga boqib, bir-birining yelkasiga bosh qo'yib, butun dunyo tashvishlaridan ko'z yumib, shirin xayollar ila orzular den-gizida suzishardi.

\*\*\*

Tog'boy olis kelajak haqida o'ylardi. Kelajak uchun shirin orzular, baxtli tur-mush rejalarini tuzib qo'ygandi. Shu o'y-da qizga sovchi qo'ydi. Sovchilari ikki-uch qatnadi. Qi-zimiz yosh, de-yishdi. Sovchi-lar quruq qay-tishdi.

Bundan Tog'-boyning bobosi achchiqlandi. Buni yigit so'zi singaniga yo'ydi. Sharmandalik, deb qabul qildi. Tog'boyga oila nomusini yerga bukkani uchun qattiq dashnom berdi. Tog'-boyning yuzi yerga qaradi. Ko'nglida yigitlik g'ururi uyg'ondi. Ko'cha-ko'yda yurganda odamlar negadir qarab-qarab qo'yadigan bo'ldi. Tongda pichan o'ra-yotganida oldiga tengdoshi Begzod keldi. Uni hamma tulki deb atar, o'zi ham laqa-biga yarasha ayyor edi. U Tog'boyini ko'-rolmas, chunki Nigorada ko'ngli bor edi. Tog'boyning sovchilari qaytishi Bekzodni quvontirdi.

— Nigorga sovchi qo'yibsan, deb eshit-dik, — gap boshladi Begzod. — Qishloq-da duv-duv gap. Faqat sen haqingda gap-irishayapti. Bemavrid ot choptiribsan. Hay, siqilma. Bu gal birovga sovchi qo'y-moqchi bo'lsang, maslahat qil.

Tog'boy pichan o'rishdan to'xtadi. Begzodga qahrli boqdi. O'roqni yerga qo'yib, uni turtib yubordi.

— Yo'qol, g'alamis! — dedi Tog'boy. Begzod Tog'boyning oldida jismonan zaif edi. Unga qarshilik qilolmadi. Jo'nab qol-di.

Tog'boy ich-ichidan siqildi. Ich-ichidan to'kildi. O'ylandi. G'ururi Nigorani aybladi. Ba'zida g'urur sevgini inkor qilarkan. Ba'zida g'urur sevgini ojiz halatga solar-kan. Ammo haqiqiy sevgida qudrat mu-jassam. Haqiqiy sevgida matonat mujas-sam. U o'zligini saqlay oladi.

Tog'boy o'zini haqoratlangandek his etardi. Najotni faqat unutishda ko'r-di.



Shunday kunlarning birida sakkiz yoshli jiyani Nigoradan xat olib keldi.

o'z rangi bilan qo'shilishga majbur qildi! Oq bulut shunchalik ulkan bo'lishiga qara-may o'zining poklik, beg'uborlik holatini saqlab qololmadi. Tog'boy bu manzarani o'zicha mushohada qildi. Xatni o'qishda davom etdi:

•••••  
• «Senga bo'lgan  
• sevgimni qo'shiq qi-  
• lib kuyga solaman.  
• Uni oyga kuylab be-  
• raman. U jim eshitadi.  
• Go'yoki kuy unga  
• yoqqandek hadsiz,  
• bepayon osmon  
• kengligida suzadi.  
• Sevgim qo'shig'i  
• sog'inch qo'shig'i  
• bo'ladi, sevgim qo'-  
• shig'i hijron qo'shig'i  
• bo'ladi».

•••••  
• Tog'boyning  
• Nigoraga yozgan  
• maktubidan.  
•••••

**HIKOYA**

**Muhabbatni uyg'otgan maktub**  
*Asardan parcha*

— Aka, — dedi Alisher. — Nigor opam sizga kitob berib yubordi. Yig'lay-yig'lay berdi. Kitobni o'qib bo'lib qaytarar ekan-siz.

Tog'boy «kitob»ni olarkan hayajonlanib ketdi. O'qib chiqar ekan, Nigora-ning na-fasi yuziga urilgandek bo'ldi:

«Pok sevgimizni oshkor bo'lishi, bizni naqadar gap-so'zlar iskanjasida qo-lishimizga sababchi bo'lardi. Shuning uchun sevgimizni pinhon saqladik, uni ya-shirin tutdik. Ammo sovchi qo'yib shosh-dingiz. Otamning rad javobini berishi meni qanchalar mushkul ahvolda qoldir-ganini bilsangiz edi. Taqdir bizni sevgi bilan erda siyladi. Bizga juda erda kuchli muhabbat nasib etdi. Bundan hech ham afsusdamasman. Ammo...»

Dunyodagi ulkan orzularim siz bilan. Yagona o'tinchim sevgimiz yo'lida qat'iy turaylik. Adashmaylik. Baxt bizniki bo'-lishi kerak. Hech kim baxtni qo'shqo'llab topshirib qo'ymaydi. Baxt o'zgalar tomo-nidan hadya qilinmaydi. Unga qat'iy iroda va matonat bilan erishadilar...»

Tog'boy xatni o'qirgan, vujudida alla-qanday o'zgarishlar uyg'onayotganini his etdi. Ufq tomonga nazar tashlab, Nigora bilan ilk uchrashgan damlarini esladi. Ularning baxtli kunlari shu tepalikdan boshlangandi. Osmonda esa bulutlar su-zib borar, mayda, qora bulut ulkan, oq bulutni izma-iz taqib qilardi. Ko'kdagi shamol negadir qora bulutga yordam berayotgandek edi. Nihoyat, qora bulut oq bulutga qo'shilib, aralashib ketdi. Uni

«Sog'inch bizni turli qiynoqlarga soldi. Sizni sog'inaman. Siz bilan birga bo'lgan har bir daqiqalarimdan cheksiz baxt, quvonch tuyaman. Garchi bu so'zlarni sizga yozishim odobsizlik bo'lsa-da, o'zimga bo'ysunmas kuch undamoqda.

Ishq haqida ko'p asarlar bitilgan. Ammo bizniki boshqacha, biz birgalikda yangi asar yaratmiz. Tuyg'umizga Layli va Majnun, Farhod va Shirin, Tohir va Zuhralarning ham havasi keladi. Ular biz-dan baxt neligin o'rganishsin. Biz ular bo'lmaymiz. Biz Tog'boy va Nigora bo'la-miz!»

Tog'boy xatni o'qib tugatarkan, o'zida qandaydir yengib bo'lmas kuchni his etdi. Bu butun koinotning yengilmas tayanchi — muhabbat edi. Hech qaysi tuyg'u insonni muhabbatchalik kuchli qila olmaydi. Hech qanday tuyg'u insonni mu-habbatchalik ezgulikka yetaklay olmaydi. Bu — muhabbatning irodasi. Bu — mu-habbatning asl kuchi.

Tog'boy yuragining dukullab urayot-ganini sezdi. U o'zining jur'atsizligidan uyaldi. Sevgisini ma'nisiz g'ururga, odamlarning gap-so'ziga almashib qo'-yayotganini tushundi. Hamma-hammasini angladi.

Tog'boy tepalikdan ildam tusharkan, Nigora-ning beg'ubor nigohi ko'z o'ngida gavdalanardi. Uning orzulari Tog'boyini har qanday to'siqni yengishga chorlardi...

**Abdug'affor ABDURAHMONOV,**  
tarix fakulteti talabasi.

**Мана, энг сахий фасл — қиш ҳам бошлан-ди. Ҳарорат кескин пасайиб, атрофни оппоқ қор қоплади. Яқинда шуқуҳларга тўла янги йил кириб келди. Қор ёққани яхши бўлди-да. Байрам қор билан янада файзли ўтади.**

Шундай хаёллар оғушида бекатга келдим. Ҳайдовчилардан бирининг ёнига келиб сўрадим: — Ассалому алайкум! Ака, шаҳаргача қанча бўлади? — Беш минг.

Очиги, Ҳайдовчининг пинагини бузмай айтган нархи менга бироз оғирлик қилди. Куни кеча йўл кира ҳақи икки минг сўм эди. Нима, шаҳар бир кечада бошқа сайёрага кўчиб кетибдими?! — Ака, сал тушинг. Жуда қиммат-ку. Талаба бўл-сак...

— Ука, кўриб турибсан, йўлни қор қоплаган. Бўли-ши шу, истамасанг, бошқасида кетақол.

Суриштирсам, ҳамма Ҳайдовчилар бир хил нарх айтаяпти. Ноилож биттасига ўтирдим. Мендан сўнг келган кекса бир онахон Ҳайдовчи билан узоқ сав-нолашди. Келиша олмади, шекилли, нари кетди. Йўл четига бориб, анча турди. Сўнг ноумид ортига қайт-ди...

Автомобиль салони йўловчилар билан тўлгач, йўлга тушдик. Ҳайдовчи йигит сўзамолгина экан.

— Одамларга ҳам Ҳайронсан. Ҳалиги кампирни кўрдингизми? Икки соат бoshимни қотирди-я! — сўз қотди менга. — Пулим камроқ, жиянимнинг тўйига бормасам бўлмайди. Инсоф қилинг, дейди. Бу ёқда қор ёғиб турган бўлса, менга нима дейсан, барака

**Инсоф ҳам мавсумийми?**

Мунозара учун мавзу

топгур, десам тушунмайди. Тўғри, инсоф ҳам керак-дир. Лекин мавсум шундай бўлса, мен нима қилай?

Қизиқ, савдо-сотик, касб-хунар, боринги, таби-ат фасллари мавсумийлигини билардик. Инсон умри мавсумларини ҳам эшитганмиз. Аммо инсоф-нинг мавсумга қараб турланишини биринчи бор эшитишим.

Ҳайдовчи ўзича гап маъқуллар экан, бир неча йил аввал бўлиб ўтган воқеа ёдимга тушди.

Ушанда олис туманлардан бирига боргандим. Қиш фасли, йўлни қалин қор қоплаган эди. Қаранги, йўлнинг эллик қақиримга яқин қисмида аҳоли яша-мас экан. Атрофда бирорта хонадон кўринмайди. Кутилмаганда оловимиз бузилиб қолди, радиатор-да сув қолмапти.

— Ҳечқиси йўқ. Отахоннинг чайласига амаллаб этиб олсак, марра бизники, — деди, бу атрофлар-ни яхши билган ҳамроҳим.

Унинг кимни назарда тутаётганини тушунмадим. Маълум бўлишича, сал нарида бир кекса кишининг чайласи бор экан. Ўзи йигирма беш-ўттиз қақирим ўзоқдаги қишлоқда турса ҳам, қишда йўл устидаги чайласига кўчиб келар, у ерда ўткинчи йўловчилар учун зарур бўлган ҳамма нарса топилармиш. Даро-мад қилишининг зап йўлини топган экан-да, дедим ичимда. Хуллас, чайла томон пиёда йўлга тушдик.

Бахтимизга мезбон дарров топила қолди. Ўзимиз

учун керагича сув олдик. Бир пиёладан иссиқ чой ҳам ичдик. Ортга қайтар эканмиз, хизмат ҳақи қанча бўлишини сўрадим. Мўйсафид кулди.

— Ниятимиз фақат савоб, ўғлим. Бизга муҳтож бўлибсиз, ёрдамимиз теккан бўлса, мамнунмиз. Шундай сахий фаслда биз хасислик қилсак, айб бўлади...

Отахонга раҳмат айтиб, чайладан узоқлашдик. Анча пайтгача унинг сўзлари ёдимдан чиқмай юрди. Уни ҳурмат билан эслайдиган бўлдим.

Шу воқеа кўз олдимдан ўтар экан, Ҳайдовчининг сўзларидан чуқур ўйга толдим.

Уша йўл, ўша масофа, ўша ёқилғи сарфи...

Эҳтимол, Ҳайдовчилардан ноўрин ўпкалаётгандир-ман. Ахир, шароит боис автомобилни секинроқ Ҳай-дашга тўғри келади, ортиқча вақт кетади. Бирок, об-ҳавони баҳона қилиб, икки баробардан ортиқ нарх айтиш инсофданми? Ҳайдовчиларнинг инсоф-ли мавсуми қачон келади?

Бугун баъзи Ҳайдовчилар ёнида пули кам бўлган учун кекса кампирни ёки йўлда қўл кўтариб тур-ган ўн икки яшар мактаб ўқувчисини кўриб, кўрма-ганга олиб ўтиб кетишяпти. Майли, улар учун ин-соф мавсумий бўлақолсин. Бизни фақат бир савол қийнайди: уларнинг ҳам кекса оналари, мактабда ўқийдиган болалари бормикан?

**Орифжон ОДИЛОВ.**

## IJODKOR TALABALAR MINBARI

## MUSHOIRA ETADI DAVOM...

## Yoshlik

## She'riyat guldastasi

## Yangi yil

Yangi yil shukhi kezar qalblarda,  
Qor ila yog'adi oppoq tilaklar.  
Yangi orzu sari chorlaydi bizni,  
Yangi orzular-la to'lgan yuraklar.

Ko'ngil orziqadi — bugun yangi yil,  
Bugun jam bo'lishar yor-u qadrdon.  
Do'stlar ham quvnaydi, o'ynaydi yayrab,  
Barchamiz baxtimiz, barchamiz shodon.

Yuraklar junbushda, qalblarda quvonch,  
Bu kunlar g'animat — kutilgan uzoq.  
Sog'inib kutilgan keldi yangi yil,  
Oshiqlar ko'nglida ajib bir titroq.

Qordek oq orzular sizga yor bo'lsin,  
Doim baxtga to'lsin umr yo'lingiz.  
Hamisha qalbingiz nurlarga to'lsin,  
Omad olib kelsin yangi yilingiz!

Yulduzxon TURSUNOVA,  
o'zbek tili va adabiyoti  
fakulteti talabasi.

## Sevgim tumori

Sog'inchingiz shamol yetkazdi nogoh,  
Tolmay turibsizmi, sarhadda ogoh?  
Avaylab-asraysiz o'z xalqingizni,  
Sevgimning tumori asrasin sizni.

Qudratni ko'rsating nonko'r manqurtga,  
Yog'ining qadami yetmasin yurtga.  
Qarog'ingiz Vatan, avaylang ko'zni,  
Sevgimning tumori asrasin sizni.

Xayolingiz sarob, aldmasin hech,  
Hushyor turing bo'lib qolmasidan kech.  
Har qadamda yodga oling bu so'zni,  
Sevgimning tumori asrasin sizni.

Shukur, elning sizday o'g'lonlari bor,  
Har dam duo qilar insonlari bor.  
Unutmang intizor kutuvchi qizni,  
Sevgimning tumori asrasin sizni.

Aziza ABDURAHMONOVA,  
maktabgacha va boshlang'ich  
ta'lim fakulteti talabasi.

## O'zbek ayoli

Yurgan yo'llaridan gullar unadi,  
Har ishda madadkor suynachiq, shaksiz.  
To'maris, Zarina dilbar avlodi,  
Asl o'zbek ayoli, o'zbek ayoli.

Qo'li gul, so'zi bol, tadbirkor qizlar,  
Oila bekasi, yurtning tayanchi.  
Bibixonim izdoshi, buyukdir bari,  
Asl o'zbek ayoli, o'zbek ayoli.

Shoira, yozuvchi, tadbirkor ular,  
Yana biri chevar, biri shifokor.  
Deysiz: mehnatkash-u, dilkash, shirinso'z  
Bu o'zbek ayoli, o'zbek ayoli.

Sadoqat timsoli har bir xonimi,  
Shoira Zulfiya millat ko'zgusi.  
Vatan-chun jon bergan To'marislari,  
Asl o'zbek ayoli, o'zbek ayoli.

Kamola IMOMOVA,  
o'zbek tili va adabiyoti  
fakulteti talabasi.

Oldimizdan oqqan suvlarning,  
Qadri nechun bizga bilinmas.  
Nechun endi hech qachon yoshlik,  
Qaytib kelib, dil sevintirmas.  
Uzun tayog, qo'g'irchoq otlar,  
Chorlab qolar "kel", deb yonimga.  
Onam aytgan kuy, qo'shiq, alla,  
Muhrlangan yoshlik onimga.  
Har narsaning oxiri bor, deb,  
Uqtiriganda ishonmasdik hech.  
Mana, yoshlik yonimga kelib,  
So'zlamogda: "Endi mendan kech".  
Esdan chiqmas shoxda yurganim,  
Tuproqlardan qasr qurganim.  
Tulporlarim uxlamasa hech,  
Ular bilan xayol surganim.  
Onam yopgan issiq kulcha-non,  
Tafti qalbim kuydirar doim.  
Shosha-pisha yegan damlarda,  
Jilmayardi onam muloyim.  
Bag'rim kuyar, yig'laydi ko'ngil,  
Ko'rinmaydi ko'zdagi namlar.  
Yoshlik bizga bevafo ekan,  
Qaytmas ekan u shirin damlar.

Mansurxon  
TURG'UNBOYEV,  
tarix fakulteti talabasi.

## Utimos

Salom! Kumush, suyuqligim qor.  
Qaylarga yog'ding-ey bo'lib maftunkor.  
Kimlarga yoqding, so'ylagin bir bor,  
Tog'-u bog'larim uxoldimikin!

Odamlar shoshayabti manzillariga,  
Yog'yapsan so'zsiz mayusgina jim.  
Ayt-chi menga ey g'animat do'stim,  
Yog'dingmi malikam ko'zulariga!

Atrofni bir zumda qilbsan oppoq,  
Ostingda qolgan, ne bor muzladi,  
Barcha kulishib, ko'ngillari chog'.  
Yaxshiyam borsan, deya so'zladi.

Mana kezib men oppoq ko'chada,  
Dardlarim senga etaman izhor.  
Bu so'zlar senga kelmasa malol,  
Insonlar qalbin muzlatma zinhor.

G'affor TURSUNQULOV,  
o'zbek tili va adabiyoti  
fakulteti talabasi.

2017-yil  
tovuq muchali yili

## Sarob

Sukunatda sevgim sarg'ayib bitdi,  
Endi kuylamoqda xazonlar dardim.  
O'zgalar beg'ubor qo'llaring tutdi,  
Zarracha sen uchun yo'qmidi qadrim?

Men sening baxtingni o'yildim ko'proq,  
Chashma suvidek sof, bo'lsin deb tiniq.  
Men kimman yerdagi bir qora tuproq,  
Chang qildim baxtingni men ko'ngli siniq,

Bugun ishonchimning ipi uzildi,  
Barcha yolg'onlarga qo'yildi nuqta.  
Muqaddas deb bilgan rishta uzildi,  
Sevgim quyoshi ham botmoqda ufqqa.

Meni eslab olma ko'zlarimga yosh,  
Men go'yo unsiz, g'amgin navoman.  
Yig'lasang qaddini bukar kamon qosh,  
Dardiga davosi yo'q bedavoman.

Sharif YUSUPOV,  
o'zbek tili va adabiyoti fakulteti talabasi.

## Bu kunlar o'tib ketadi

Dunyo tashvishlari yig'ilganda ham,  
Dardlaring sel bo'lib quyilganda ham,  
Boshing ming baloga urilganda ham,  
Siqilma qaddingni tik tut' birodar,  
Hali bu kunlar ham o'tib ketadi.

Sen tomon do'stlaring tosh otsa agar,  
Siqilma ularning otgan toshidan.  
Davrangdan chayonlar chiqib chaqsa gar,  
Ko'ziga tik qara, ketma qoshidan.  
Hali bu kunlar ham o'tib ketadi.

Iskandar HAITOV,  
tarix fakulteti talabasi.

## Onajon

Bardosh jim qoladi, soqov yuragim,  
O'zgalar ko'nglini ovutdim ona.  
G'am kelsa boshimda, girgittan  
bo'lgan,  
Sening borligingni unutdim ona.

Kimlarning ko'nglidan mehr izladim,  
G'ururim tuproqqa qorishib ketdi.  
Tilsalar yuragim, shirin so'zladim,  
Oqibat til va dil olishib ketdi,

Ko'z yumdim bu dunyo o'yinlariga,  
Bir tomonim sahro, bir yonim bo'ston.  
Qo'limni siltaymi endi bariga,  
Dunyo o'zgarimoqda axir onajon!

Kuysa kuysin endi, o'sha dunyosi,  
Barin tashlab, biling bugun boraman.  
Sog'inchlar qasrini qulatdim mana,  
Mehrimni dastalab sizga beraman.

Zarina G'ANIYEVA,  
o'zbek tili va adabiyoti  
fakulteti talabasi.

Yangi nashr QAROG'IMDA  
GULLAYDI VATAN

G'azalnavis shoir Axtamqulining  
"Qarog'imda gullaydi Vatan" ("O'z-  
bekiston" nashriyoti, 2016) to'pla-  
miga jamlangan she'rlarda ona yurt  
madhi, sohir tuyg'ular tarannumi  
avjli pardalarda kuylangan. Ilk sahifa-  
lardan Vatan mavzusiga bag'ishlan-  
gan she'r-u g'azallar o'rin olgan.  
Vatan ishq deb nomlangan ushbu  
bo'limda shoir ko'zlarida gullagan,  
yuragiga gul ekan ko'hna diyorga  
dil rozlarini izhor etadi.

She'riy guldastaning "Sog'inch-  
larim chiqargay qanot", "Ko'ngilga  
sayr", "Ishqim kitobi" singari qism-  
larida rang-barang mavzular, chunon-  
chi muhabbat mavzusidagi she'rlar  
ham talaygina. So'z sehiri sabab pur-  
viqor tog'lar, benazir bog'lar, bepo-  
yon dashtu dalalarning fusunkor ola-  
mida kezman o'quvchi shoir she'riya-  
tga maftun bo'ladi.

Mutolaa jarayonida ijodkorning ruhiy ha-  
yajonlari she'riyatga shaydo kitobxon ko'ng-  
liga tezda ko'chadi.

"Bugungi adabiy hayotda Axtamqulning  
o'z o'rni, o'z ovozi, o'ziga xos she'riy uslubi  
bor. Aruzning nodir vazniga mos go'zal g'a-  
zallari bilan bu mumtoz janrga jonli hayot  
bag'ishladi... Baland tog', kechikkan gul,  
go'zal ohu, mudarris bulbul, gullagan  
bodom, ayqirgan daryo, Karim mergan kabi  
qator obraz va sifatlashlarda shoirning badiiy  
tafakkur tarzi namoyon bo'ladi", — deydi  
filologiya fanlari doktori, professor Bahodir  
Karim kitobga yozgan so'zboshisida.

Gulsanam ESIRGAPOVA,  
o'zbek tili va adabiyoti  
fakulteti talabasi.

## ОБУНА - 2017

## «Ziyo chashmasi» —

## СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

## Азиз талабалар!

Севимли газетангиз «Зиё чашма-  
си»га 2017 йил учун обуна бошлан-  
ганини маълум қиламиз.

Институтимиз ҳаётдан доимий ра-  
вишда хабардор бўлай десангиз, га-  
зетамизга обуна бўлинг.

Газетанинг бир йиллик обуна ба-  
ҳоси 10 000 сўм.

Институтнинг банкдаги ҳисоб рақа-  
ми: 400110860084017950100075001.

АТ «Ипотека банк» Жиззах филиа-  
ли.

ИНН: 200343003

## ТАХРИРИЯТ



## Ziyo chashmasi

## МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
инститuti

## Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Тахририятга келган хатлар таҳлил  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят  
нуқтаи назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда  
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.  
Босишга топширилган вақти - 19.00

Навбатчи муҳаррир: О. Одилов  
Дизайнер: А. Абдурахмонов

Манзил:  
Ш. Рашидов шох  
кўчаси,  
Абдулла Қодирий  
номидаги Жиззах  
Давлат педагогика  
инститuti

«Жиззах-принт»  
босмаҳонасида чоп  
этилди.  
Корхона манзили:  
Жиззах шаҳри, 130100.  
Сайилжойи кўчаси, 4-уй.

Офсет усулида 2700 нусхада босилди.  
Буюртма № 6. Shaki-A3.